Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 134 (3029)
ЖУМА
11 ИЮНЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ 10 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон Республикаси Бош министри Индира Ганди билан учрашуви бўлди.

Л. И. Брежнев билан И. Ганди ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида Совет— Ҳиндистон икки томонлама муносабатлари, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирувчи энг муҳим халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет— Ҳиндистон Шартномасининг муҳим аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

★ 9 июнда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Ҳиндистон ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван билан учрашди. Суҳбат давомида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар, шу жумладан, баъзи муҳим халқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбат дўстона вазиятда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

★ Ливанда ва унинг атрофида вазият гоят кескинлашганлиги муносабати билан ТАСС баёноти эълон қилинган.

Шаҳримизда метрополитен қурилиши жадал суръатда олиб борилаяпти. Мана бу фотолавҳа пойтахт метрополитенининг «СССР 50 йиллиги» станциясида суратга олинган. Сиз унда илғор проходкачилар бригадаси бошлиғи Иван Лисий (ўнгда) ва проходкачи Мухтор Перлинпаевларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва И. Сироткин фотоси.

Меҳнат нашидаси

Репортаж

Биз Аркадий Иванович билан ёруғ, кенг бинога кириб келганимизда у ўзини чоғ сезарди. Негаки, бу ерда у бахт, обрў топди. Ҳа, бирданига ишчи малакали бўлиб қолмайди. Аста-секин маҳорати ошаборади. Бу ҳақиқат. Ленин ҳар бир ишчи учун бу зиналар қанчалик қадрли.

У доимо ўз олдига қийин вазифалар қўйди. Чунки қийинчиликни енгишнинг ўзига хос гашти борлигини коммунист яхши билади. Айниқса, съезд кунларидаги кўтаринки руҳни айтмайсизми? Унинг хаёлини В. Сиротин бўлди.

Бу уддабурро, ўтюракли ишчи фақат цехдагина эмас, бутун шаҳарда ҳам танилган. Аммо, норжома кийганда уни машҳур бригадир дейиш қийин: оддий, ҳамма қатори меҳнаткаш, қадоқ қўлли мастер.

— Салом, Аркадий Иванович, зиммага натта мажбурият олиб юбордикми дейман-да, — деди у.

— Нега? — деб саволомуз жавоб берди Аркадий Иванович.— съезд кунлари ёдингиздами? Қанақа қаттиқ ишладик. Ишчиларимиз бардоши, матонати нималарга қодир эканини кўрдик-ку. Бу унинг олдида нима деган гап? Леонид Ильич Брежневнинг съездда айтган сўзлари ёдингиздами? «Съезд маъқуллаган планлар енгил эмас, тиғиз планлар. Съезд қўйган вазифалар гоят жиддий вазифалар». Эсингиздами, бу сўзлар?

Аркадий Иванович давр талабини доимо ана шундай ҳис этиб, ишга масъулият билан ёндошади. Биз тепловоз ғилдиракларини созлаётган В. Суслов, У. Ҳусанбоев каби ишчиларни кузатар эканмиз, худди шу масъулиятни кўриб турардик.

— Қаранг, ишчилар ғайратига бир қаранг?

Беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббуси, одатдагидек, ўрхдан-цехга, бригададан-бригадага тез ёйилди. Худди съезд кунларидаги ўша манзара... «Съезд очилгандан кунгача икки ойлик топшириқни адо этамиз!» деган азаматлар қаторида В. Сиротин бригадаси ҳам бор эди. Бу ҳаракатга цех коллективи ҳам қўшилганди.

Буни қарангки, корхонада Аркадий Ткаленко бошчилик қилаётган ғилдирак ишлаб чиқарувчи цех ғолиб келди. Унга «КПСС XXV съезди номли коллектив» деган фахрли ном берилди. Бунда бригаданинг ҳиссаси беқиёс бўлди. У республикамизда биринчилар қаторида тўққизинчи беш йиллик планнини адо этганди, эндиликда ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига меҳнат қилаяпти.

— Бригадангиз ҳам съезд номини олган-а? Бахт тилайман!

Аркадий Иванович кишиларни руҳлантириш уларга қанчалик ғайрат келтиришини яхши ҳис этарди. У яна цех бўйлаб юрди. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди; теплозозлар кутиб турибди, ғилдирак битса бўлди, улар рельслар бўйлаб «қанот боғлайди».

«Беш йилликни— тўрт ярим йилда бажарамиз!» — ҳар бир ишчи қалбида шу орзу жўш уради. Бунга қайноқ, жўшқин меҳнат жўр бўлади. Октябрь резолюцияси номли Тошкент тепловоз — вагон ремонти заводида ҳамиша ана шундай.

— Сизни парткомдан йўқлашяпти, — деди унинг ортидан Сиротин. Трубкадаги сўзлар эшитилиб турарди:

— Пландан ташқари 600 мингдан ошади-а?

— 620 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади!— деб жавоб берди Аркадий Иванович трубкани олиб.

— Баракалла! Ҳозиргина хушхабар олдик. 14 бригада сизларнинг ташаббусингизга қўшилди. Корхона бўйича беш йиллигида қўшимча бир миллион сўмлиқдан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ҳозирча байроқ сизларда. Бўш келманглар...

Аркадий Иванович беихтиёр бригадирнинг елкасига қўлини қўйиб, чиройли жилмайди.

Н. АБРОРОВ.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Кам маблағ сарфлаб кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқарайлик

40 миллион дафтар

Ўзбекистон қоғоз комбинати ишчи-хизматчилари зарбдорларча меҳнат қилиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўқувчилар учун сифатли ёзув дафтар ва турли хил расм дафтарлари ишлаб чиқармоқдалар.

Бугун

КОМБИНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ИЛ БОШИДАН БУЁН ШУ КУНГА ҚАДАР ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЎҚУВЧИЛАР ДАФТАРИ 40 МИЛЛИОН ДОНАДАН ОШДИ. Бу эса ўтган йилгига нисбатан бир мунча юқори кўрсаткичдир.

Айни кунларда улар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида 80 миллионга яқин ёзув дафтари ва 1 миллион 700 мингдан ортиқ турли ҳажмдаги расм дафтарлари ишлаб чиқарадилар ва реализация қиладилар.

Комбинат ишлаб чиқараётган сифатли маҳсулотлар шу кунларда янги ўқув йили учун республикамизнинг ҳамма областларига юборилмоқда.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин 10 июнда республика пойтахти халқ хўжалиги ходимларидан катта бир группасига СССР орден ва медалларини топширди. Улар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини ва олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари учун мукофотланган эдилар.

Шу куни илғор ходимлардан яна бир группасига Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилганлиги ҳақидаги ғувоҳномалар, тегишли нишонлар ҳамда республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

Экскаватор ремонти заводи 1-механика цехининг илғор ишчиси В. Бричев шахсий беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олган. У шу кунларда смена топшириқларини мунтазам 140— 150 процент адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Газли учун

Шу кунларда олий ўқув юртлари қошида областида, Олтой ўлкаси ва Тошкент области ҳамда Тошкент шаҳрининг қурилиш майдонларида меҳнат қиладилар.

Шунингдек, институт студентларидан 35 киши Тошкент метросида ва 50 киши эса зилзиладан зарар кўрган Газли шаҳри меҳнаткашларига ёрдам бериш истагини билдирди.

Улар Газли аҳолисига уй-жой қурилиши ишларида яқиндан ёрдам бериб, 120 минг сўмлик ўрнига 170 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилдилар.

Умуман, Тошкент халқ хўжалиги институти қурилиш отряди бу йилги ёзги меҳнат семестрида бир ярим миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Отряд аъзолари бир қанча группаларга бўлиниб, Қозогистон ССРнинг Мангишлоқ областида, Олтой ўлкаси ва Тошкент области ҳамда Тошкент шаҳрининг қурилиш майдонларида меҳнат қиладилар.

Шунингдек, институт студентларидан 35 киши Тошкент метросида ва 50 киши эса зилзиладан зарар кўрган Газли шаҳри меҳнаткашларига ёрдам бериш истагини билдирди.

Улар Газли аҳолисига уй-жой қурилиши ишларида яқиндан ёрдам бериб, 120 минг сўмлик ўрнига 170 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилдилар.

Умуман, Тошкент халқ хўжалиги институти қурилиш отряди бу йилги ёзги меҳнат семестрида бир ярим миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Отряд аъзолари бир қанча группаларга бўлиниб, Қозогистон ССРнинг Мангишлоқ

НОМИГА МОНАНД СТАНЦИЯ

Тошкент метросининг «Халқлар дўстлиги» станциясига кириб борганимизда қайноқ меҳнатнинг устидан чиқдик. Бу ерда «Ташметрострой»га қарашли 2-тунель отряди-нинг 5-участка қурувчилари платформа қурилишини тугаллаб, иккинчи вестибюль ва венткамера ҳамда биринчи вестибюлни қуриш ишларини жадаллик билан олиб бормоқдалар.

Иккинчи томонда Анатолий Просолов бошчилик қилаётган проходкачилар бригадаси шу станцияни «Пахтакор» станцияси билан боғлайдиган бир километрли ер ости йўлини ниҳоясига етказмоқда.

— Бизнинг бригадамиз — интернационал бригада, — дейди Анатолий Просолов, — чунки бригадамизда турли миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Улар асосан монолит, арматура, темирбетон ва лоток ётқизиш ишларини олиб борадилар. Бригадамизнинг тажрибали меторчилари ва комсомол ёшларидан Т. Б. Куприновіч, И. Н. Маронин, А. Пўлатов, А. Каргин ва бошқалар кунлик нормаларини 120— 140 процентдан ошириб бажармоқдалар. Масалан, бригаданинг тажрибали ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Т. Б. Куприновіч Абакан-Тайшет темир йўли қурилишида ва Ангрен гидротехника қурилишларида иштирок этган. У ўз тажрибасини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Бу бўлажак муҳташам ер ости қасрида қурилиш-монтаж ва ковлаш ишлари билан бир қаторда пардозлаш ишлари ҳам олиб бориляпти. Ер ости қасрининг икки томонида ўн олти республиканинг мармардан ишланган герби бўлади. Бу эса станциянинг номига жуда монанддир. Шунингдек, станция поли ва деворлари ҳам оқ мармар ва гранитдан ишланади.

Хуллас, Тошкент метросининг бу муҳташам ер ости қасри Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига армуғон бўлади.

Н. ХОЛИҚОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

★ **«Шогирд — мураббийга тенглашсин» деган ҳаракатни бошлаб берган тўқувчи А. С. Берзилиниянинг ташаббуси кенг қулоч ёймоқда.** Область партия комитети бюроси маъқуллаган бу ташаббусни корхоналардаги 3200 дан ортиқ мураббий қўллаб-қувватлади ва улар 4 мингдан зиёд ишчига оталиқ қилмоқдалар. Биргина тўқимачилик комбинатида 517 мураббий 700 га яқин ишчига ўз маҳоратини ўргатмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикув бирлашмасида 186 мураббий 500 га яқин ёш ишчига устозлик қилмоқда.

★ **Область партия комитетининг сиёсий маориф уйида халқаро мавзуда ўқувчи— лекторлар доимий ҳаракатдаги семинарининг навбатдаги** машғулоти бўлиб ўтди. У «Ҳозирги даврда идеологик курашнинг хусусиятлари» деган мавзуга бағишланди.

★ **Республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли «Ташоблсельстрой» трестининг бинокорлари** Янгийўл районидаги Свердлов номли совхозда 1200 бош қорамолга мўлжалланган сутчилик комплекси биноси қурилишини тугалладилар. Давлат комиссияси комплексни фойдаланишга қабул қилмоқда. Шундай қилиб, совхоз чорвадорлари юқори унумли замонавий ускуналар билан жиҳозланган сутчилик комплексини қабул қилиб олдилар.

Янгича урф-одатлар—турмушга

Тошкент шаҳар партия комитети ҳузурида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш ва янгича урф-одатларни меҳнаткашлар ҳаётига кенг жорий этиш бўйича шаҳар совети ташкил этилди.

Кеча шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев раислигида Советнинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. У. Султонова, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Т. Н. Набиев ўртоқларнинг янгича урф-одатларни шу район меҳнаткашлари ўртасида пропаганда қилиш ва турмушга жорий этишнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Совет шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети белгилаган тадбирлар планини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича советлар раҳбарларининг доимий ишлаб турувчи семинарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари тўққизинчи беш йилликда иқтисодий таълим истиқболли планининг бажарилиш якунларини ҳамда КПСС XXV съезди қарорлари асосида кадрларнинг иқтисодий таълимини такомиллаштириш бўйича тадбирларни муҳокама қилдилар.

Семинарда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича шаҳар советининг раиси К. П. Дудин доклад қилди.

Шаҳар корхона ва ташкилотлари меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича советларининг раислари ўнинчи беш йилликка истиқболли планларни тузиш ва тингловчилар турли категорияларини ўқувини ташкил этиш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Қизиқарли тадқиқот

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент астрономия институти олимлари Битулия астероиди бўйича илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юбордилар.

Узоқ муддатли кузатувлар натижасида астрономлар ўтган ойнинг сўнгги тунларида Битулияни Ерга энг яқинлашган қулай пайтида 12 миллион километр масофада 3 карра суратга олишга муваффақ бўлдилар. Диаметри атиги 2 километр ташкил этувчи бу астероид фазо чексизлигида 7 градус —40 километр-секунд тезликда ҳаракат қилади.

— Битулия астероиди ҳаракатини тадқиқ этиш, — дейди институт катта илмий ходими, доцент Абдумажид Раҳимов, — катта илмий аҳамиятга эга. Бу астероид ўз ҳаракати давомида Ер траекториясини анча яқин масофада кесиб ўтади.

Кичик сайёралар рўйхатининг 1580-каталогида жойлашган Битулия ҳаракатини ўрганиш қўйи системасига қарашли осмон жисмларининг табиати, Галактикадаги юлдузлар вазияти, Ернинг қўёш атрофида айланиш тезлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир сайёранинг нисбатан аниқ туширилган фото тасвирига асосан электрон-ҳисоблаш машиналари кўмагида ҳисоблаш ва координатларини ўлчаш ишлари олиб борилмоқда.

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИ

ҒАЛЛА ЎРИМИДА

Жиззах области далаларида ғалла ўрими қизғин бормоқда. Дала меҳнаткашлари бу катта хайрли ишда Тошкентдаги биродарларининг яқиндан бераётган ёрдамидан мамнун бўлмоқдалар.

Бугун

АНА ШУ ОБЛАСТНИНГ ЖИЗЗАХ РАЙОНИДАН ҚУЙИБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИГА ХУШХАБАР КЕЛДИ. Унда район саноат корхоналарининг вакиллари ғалла ўримини бошлаганликлари маълум қилинган. Шу муносабат билан район партия комитети саноат бўлимининг мудири А. Мавлонов қуйидагиларни маълум қилди:

— Қуйбишев ва Жиззах районлари ўртасидаги дўстлик алоқаси йил сайин ривожланиб боряпти. Кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари уларга бир неча йилдан бери оталиқ ёрдами кўрсатмоқда.

Куни кеча ғалла ўримига «Тошкентқабель», грампластинка, лак-бўёқ, 1-тажриба-механика ремонти заводлари, 8-автобаза, 6-таксопаркнинг вакиллари хўжаликларга етиб бордилар. Улар орасида комбайн бошқарувчи 13 механизатор бор. Бундан ташқари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг 160 та механизатор студенти ҳам далаларда иш бошлади.

Район ҳашарчилари Жиззахда 25 кун меҳнат қилиб қишлоқдаги биродарларимизнинг оғирини енгил қиладилар.

УСТАХОНАЛАР ЖЎНАБ КЕТДИ

Кеча

шаҳримизнинг Киров районидан Жиззах областининг Зомин районига слесарлик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, ҳар бирида икки нафардан мутахассис бўлган 13 та кўчма автоустахона жўнаб кетди. Бу автоустахоналар далми ерлардаги ғаллани ўриб-йиғиб олишда ишлаётган техникани жорий ремонт қилишда қатнашадилар.

Райондаги 2505, 2515-автоколонналардан 80 та юк машинаси ғалла-орол районига, учта сув ташийдиган машина эса Зомин районига юборилди. Бу машиналар ҳам ғалла ўрим-йиғимида қатнашади.

Бундан ташқари райондаги автохўжаликлардан Зоминга жўнаб кетган 16 ҳайдовчи комбайнчиларга ёрдамчи бўлиб ишлашади.

Т. МУЗРОБОВ.

• Умри боқий дўстлик

«Монголия дўстимиз ва қўшнимиз»

Чилонзор районидаги Глиэр номли маданият уйида «Социализм мамлакатлари» туркумидан дўстлик кечаларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Уларда қардош мамлакатлар меҳнаткашларининг социализм даврида эришган ютуқлари, Совет Иттифоқининг улар билан олиб бораётган иқтисодий алоқаси, дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланиши ҳақида суҳбатлар ўтказилади, кўргазмалар намойиш қилинади.

Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги маданий тадбир «Монголия дўстимиз ва қўшнимиз» деб аталди. Кечада шаҳримиз олий ўқув юртларида таълим олаётган хорижий студентлар қатнашдилар. Монгол ёшлари ўз мамлакатининг истиқболи, Тошкентда қандай билим олишаётганлиги ҳақида сўзлашди.

«Билим» жамияти Чилонзор район ташкилоти аъзоси, филология фанлари кандидати Р. Саидалиев Монголия ҳақида лекция ўқиди.



Монголия Халқ Республикаси. Совет қурувчилари ўзларининг монгол ҳамкасбларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Кейинги йилларда мамлакат шаҳарларида совет мутахассисларининг кўмагида кўплаб маъмурий, турар жой ва маданий-маиший бинолар барпо этилди.

СУРАТДА: Улан-Батор шаҳрида ҳамиорликда қурилган ёш техниклар саройи.

телетайп лентасидан

★ **БЕЛГРАД.** Югославия пойтахтининг шаҳар маъмурлари Янги Белградда съездларни, меҳнаткашларнинг йиғилишларини, шунингдек халқаро конгресс ва симпозиумларни ўтказиш учун катта сарой қуриш ҳақида қарор қабул қилдилар. Архитекторларнинг фикрича, бу сарой жами 30 минг квадрат метр ҳажмдаги уч қаватли бинодан иборат бўлади. Саройда еттита катта зал ва хизмат кўрсатувчи турли бинолар бўлади.

★ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон саноатининг замонавий тармоқларидан бири — алюминий ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожланмоқда. 1975— 1976 молия йилида 187 минг тонна алюминий ишлаб чиқарилган бўлса, шу йил план топшириқларига мувофиқ 220 минг тоннача алюминий тайёрланади. Электр энергия ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши алюминий саноатининг муваффақият қозонишига катта ёрдам берди.

★ **РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО.** Бразилиянинг миллий пул бирлиги крузейро бу йил саккизинчи марта девальвация қилинди. Йил бошида 7,51 крузейро бир долларга тўғри келган бўлса, эндиликда бир доллар 10,65 крузейрога баравар.

★ САН-ХОСЕ. Сальвадор бинокорларидан 18 минг киши уч ҳафталик забастовкадан кейин иш жойларига қайтиб келди. Сальвадордан олинган хабарларга қараганда, бу соҳанинг ишчилари иш ҳақининг оширилишига ва социал таъминотни яхшилаш соҳасидаги бир қанча тадбирларнинг янги коллектив шартномаларга киритилишига муваффақ бўлганлар.

★ **БУДАПЕШТ.** Утган йили илмий билимларни тарқатувчи Венгрия жамияти аъзолари социалистик қурилиш ва халқаро муносабатларнинг актуал масалалари, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари, ҳозирги замон адабиёти ва санъатига оид юз мингдан ортиқ лекция ўқидилар. Бу лекцияларни беш миллион киши тингладилар.

★ БРЮССЕЛЬ. Бельгия Компартиясининг активлари коммунистик матбуот фондига бир миллион франкдан зиёд маблағ тўпладилар. Бу пул «Драпо руж», «Родеваан» газеталари ихтиёрига берилади.

★ **ТЕҲРОН.** Бу ерда эълон қилинган статистика маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Эрон аҳолиси 34 миллиондан ошган. Кейинги икки йил ичида мамлакат аҳолисига икки миллиондан зиёд киши қўшилган.

(ТАСС).

КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз

• Қолоқларсиз, сифатли ва унумли ишлайлик

ТАШАББУСГА БИЗ ҲАМ ҚЎШИЛДИК

Янгийўл шаҳри саноат корхоналари илғор ишчиларининг ташаббуси марказлашган юк ташиш трестининг 2502-автоколоннаси коллективи томонидан ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Ветеранлар мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш меҳнатни ташкил этишни юксак даражага кўтаришга олиб келади, дейишмоқда.

Автоколоннада И. Илҳомов меҳнат қилади. У биринчи квартал планини ҳаммаси бўлиб 85 процент бажарди, холос. Бу албатта жуда паст кўрсаткич бўлиб, меҳнат ветерани Б. Рихсиевни тўлқинлантирди. У ташаббус муҳокама қилинган йиғилишда сўзга чиқиб:

— Илҳомовни оталиққа оламан, уни илғорлар сафига қўшаман,— деб қатъий сўз берди.

Ветераннинг бу ибрати А. Собиров ва А. Зубковларни ҳам янги муваффақиятга, янги марраларга ундади. Улар ёш ҳайдовчилар — А. Тимофеев, В. Агаповларга мураббийлик қилишни ўз зиммаларига олишди.

Меҳнатни ташкил этишда қандай қилиб юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлиги ҳақида автоколоннанинг Н. Пяткевич, А. Орипов, А. Бакирян сингари бригадирлари завқ билан гапиришди. Уларнинг таклифлари янгийўлликларнинг ташаббусини корхонада ривожлантиришга асос қилиб олинди.

Фақат шу йилнинг ўзида хўжаликда 60 биринчи классли шофёрлар тайёрланади, 30 ҳайдовчи маҳорат ошириш курсларида ўқиб, иккинчи классли шофер гувоҳномасини олишга муяссар бўлади. 15 киши эса, биринчи классли шофёр гувоҳномасини олади.

Ҳозир ремонтчиларда ҳам ўқиш бошланди. Аккумляторчи, тунукасоз, электрик, моторист сингари аралаш касбларни ўргатиш бўйича комплекс план ишлаб чиқилди. Хуллас, автоколоннада бирорта ҳам қолоқ ишчи бўлмаслигига эришиш учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, қолоқларнинг илғорлар даражасига етишларига кўмаклашиш бизга фақат шу йилнинг ўзидаёқ меҳнат унумдорлигини юксак даражага кўтариш, планга қўшимча, 80 минг тонна юк ташишга имкон беради.

П. МАРТИНЮК,
шаҳар марказлашган усулда юк ташиш тресги 2502-автоколоннасининг бошлиғи.

Тошкент шаҳридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига қарашли 3-модалар ательеси коллективи аҳоли талабларини тўла қондириш учун барча воситалардан кенг фойдаланмоқда. Харидорлардан тушган буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда, айниқса Надежда Жамолова ва Галя Бондаренколар намуна кўрсатиб ишлашяпти. Улар кунлик топшириқни ошириб бажаришга эришмоқдалар.

СУРАТДА: бичувчилар Н. Жамолова ва Г. Бондаренколар.

Оқшомхон И. ХОНКЕЛДИЕВ фотоси.

•Бинокор минбари

Келажакни ўйлаб

Биз қурувчилар уй-жой, мактаблар, болалар муассасалари, жамоат бинолари қурар эканмиз, бу объектлар кишиларга қувонч бахш этишини, улар кўп йиллар мобайнида кишиларга хизмат қилишини ўйлаб фахрланамиз. Бундай иморатларни тезроқ, сифатли қуриб, фойдаланишга топширишга ҳаракат қиламиз. Негаки, бу уйларда янги фарзандлар дунёга келади, улар биз қурган мактабларда таълим-тарбия олиб, ҳунар ўрганади...

Лекин Тошкент қурувчиси сифатида ўзимиз қуриб битказган уйлардан қандай фойдаланилаётганлигини кўрганимизда баъзан шу биноларда истиқомат қилаётган кишилардан ранжиб қайтамиз. Чунки ҳамма жойда ҳам турар жой ва бошқа жамоат объектларидан кўнгилдагидек фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Уй-жой фонди, маданий-маиший ва жамоат биноларини асрашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида, бу борада шу куннинг долзарб масалалари, биз бинокорларнинг кўнглимиздаги муҳим гаплар ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳаммамизга маълумки, яхши сифатли қилиб қурилган биноларга бўлган талаб фақатгина бизнинг шаҳримизда эмас, балки бутун иттифоқимизда, шунингдек, жаҳон миқёсида ҳам ошиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимиз уй-жойларни янада кўпроқ қуриш, уларни аҳоли яшаши ва дам олиши учун ҳар томонлама қулай қилиб қуриш масалаларига катта аҳамият бермоқда.

Айни пайтда, биз бинолардан тўғри фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш ҳаммамизнинг бурчимиз эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки, уй-жой ва жамоат биноларининг дераза ойналари, эшиклари ва деворларини тезроқ ишдан чиқиб қолишига йўл қўймаслик улардан янада кўпроқ вақт мобайнида фойдаланиш имконини беради. Ҳозир айрим кварталларда уй-жой биноларидан, мактаб ва болалар муассасаларидан фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Биз кўпинча деворларга ҳар хил расмлар чизиб ташланган, сувоқлари кўчиб кетган, ойналари синган уйлар ва мактабларни кўрганимизда алланечук бўлиб кетамиз. Ахир бу бинолар давлат мулки, улар инсон учун, унинг яшаши ва ўқиши учун қурилган-ку. Давлат бу объектлар қурилиши учун катта-катта маблағлар сарфлаган. Хўш, нега улардан яхши фойдаланилмаётир. Бундай биноларда истиқомат қилаётган аҳоли, ЖЭК ходимлари, халқ назоратчилари, қолаверса бутун жамоатчилик бунга мунтазам эътибор бериб бориши керак эмасми?.. Албатта, мутасадди кишилар, барча жамоатчилик шаҳримизнинг кўрки бўлган, ўзимиз истиқомат қилаётган уйларнинг чиройли, тоза ва озода бўлиши учун қайғуришлари керак.

Мен Тошкент бинокори сифатида пойтахтимиз қурилишларида ишларканман, шу уйларда ҳовли тўйлари ўтиш қувончларини, фарзанд дунёга келишини, ўша фарзанд ўз ватанини шу уй орқали тасаввур этишини ҳис этаман. Шундай экан, ана шу табаррук жойга меҳр-муҳаббат билан қараш, уни асраб-авайлаш инсоннинг табиий истагидай бўлиб туюлади, менга. Биз ёш болаларда, мактаб ўқувчиларида ана шу табаррук туйғуни шакллантиришимиз, уларнинг ўз уйини, кўчасини ва ўз шаҳрини севишга ўргатишимиз керак. Барча жамоат бинолари қатори уй-жойлардан фойдаланишни янада яхшилаш тўғрисидаги ўйлаш бугунги кунда барчамизнинг бурчимиздир.

А. ЖАМОЛОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли Пардозлаш тресги 29-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи.

Бош мухбиримиздан
Тошкент оқшоми хатлар

Самарадорлик йўлида

•

Издошлар сафи ортяпти

•

Уй-жой фонди — диққат марказида

•

Ҳунар маскани сизга мунтазир

•

Дўст меҳнатда синалади

•

Илғорлардан ўрнак олиб

•Тошкент—Газлига

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Зилзиладан зарар кўрган Газлига ёрдам қўлини чўзиш, янги, шинам уй-жой бинолари қуриб бериш пойтахтимиздаги уй-жой қурилиш тресги «Ташмосстрой» бошқармаси бунёдкорларининг ҳам қалб амри бўлиб қолди. Кўпгина қурилиш бригадалари бунёдкорлари энг оддий инсоний туйғу билан—зилзила туфайли бошларига оғир мушкуллик тушган газлиликларга ҳамдард бўлишга, уларнинг оғирини енгил қилишга аҳд қилдилар. Улар ўз хоҳишлари билан Газлига қурилишга юборишларини илтимос қилдилар.

Ана шундай ташаббускорлардан бири Баҳодир Шукуров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасидир. Бригада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаётган пешқадам коллективлардан биридир. Трест партия комитетининг аъзоси, бригадир Баҳодир Шукуров трест партия комитетига келиб табиий офатдан зарар кўрган бухоролик меҳнаткашларга уй-жой қуриб беришга ўз ҳиссаларини қўшиш учун қатъий қарор қилганликларини айтди. Партия комитети уларнинг бу ташаббусларини маъқуллади.

Бригада аъзолари сафар тараддудига отландилар: Бинокорлик материаллари, техника жиҳозлари ҳам олиб кетилди...

— Ҳозир Б. Шукуров бошлиқ злобинчи комсомол-ёшлар бригадасининг ёшлари бухороликлар учун қуриладиган бинолар учун котлованлар қазиб, пойдевор ўрнатишга тайёргарлик кўрмоқдалар, — деди трест партия комитетининг секретари Турсун Қурбонов. — Бу хабар барча бинокорларни қувонтириб юборди. Ҳа, коммунист ва комсомолларга хос ажойиб хислат ҳам шу: улар қаерда қийинчилик бўлса, ўша ерда мардонавор меҳнат қиладилар, эл ҳурматига сазовор бўладилар. Комсомол-ёшлар коммунистлар билан бир сафда туриб меҳнат қилиб, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатишларига шак-шубҳа йўқ.

Трест бунёдкорлари Газлига кўплаб қурилиш материаллари, техника жиҳозларини пешма-пеш жўнатмоқдалар. Бухоро меҳнаткашлари учун уй-жойлар бунёд этаётган қурувчилар ўрни билинмаяпти. Чунки трест бунёдкорлари ишлаб чиқариш самарадорлигини тобора оширишга эришмоқдалар.

Т. НАЖМИЙ.

Актив жамоатчи мухбиримиз И. Шоноғомов «Узгипромеспром» институтида бўлиб, бу ерда лойиҳалар билан танишди.

Институт коллективи ўнинчи беш йилликда лойиҳалар сифатини ошириш ва уларни янада кўримли қилиб бунёд этишга катта аҳамият бермоқдалар. Бунда институтнинг лойиҳаловчи инженери Шаҳзода Утегинованинг ҳам ҳиссаси катта.

СУРАТДА: Ш. Утегинованй кўриб турибсиз.

Муҳим масала — муҳокамада

Собир Раҳимов район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган партия активи йиғилишида муҳим масала муҳокама этилди. Унда райондаги мактабларнинг директорлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, корхоналар партия ташкилотларининг секретарлари, маҳалла комитетларининг раислари ва мактаб ота-оналар комитетларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан район прокурори А. Муҳаммадалиев, район комсомол комитетининг секретари А. Раззоқов, 1-мактаб директори М. Юсупова, 119-мактаб ота-оналар комитетининг раиси У. Усмонов ва бошқа ўртоқлар тарбияси оғир болалар билан олиб борилган ишлар, бу ишларнинг кўрсатган самараси, ёш авлодга таълим-тарбия бериш бўйича олдинда турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича тўхталдилар. Актив йиғилишида сўзга чиққан район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов ўқувчиларнинг ёзги каникулларини мароқли ўтказишда райондаги мактаблар қошида очилган меҳнат лагерларининг ишига муҳим аҳамият бериш кераклиги ҳақида тўхталди.

Ф. НУРИДДИНОВ,
халқ маорифи аълочиси.

•Ишчи—ҳамкасблари ҳақида

Касбга меҳр

Бизнинг участкамизда ҳар куни меҳнат завқ-шавқи ҳукм суради. Ҳали яқиндагина Салор ариғи бўйидаги газ аппаратлари заводимизда тайёрланган газ плиталарининг деталлари Оҳангарон шаҳрида эмалланиб келтирилар ва истеъмолчиларга юборилар эди. Қанчадан-қанча оворагарчилик, ортиқча сарф-харажатлар: Бунга чек қўйишнинг иложи йўқмикан-а?!

Бунинг иложи топилди. Бир куни ишлаб чиқариш йиғилишида коммунист ишчи, халқ контроли группасининг аъзоси Тожибой Эрматов ва бошқалар ўз кучимиз билан завод территориясида эмаль участкаси бунёд этамиз, деган ташаббус билан чиқишди. Бу таклиф завод маъмурияти, партия касаба союз комитети томонидан маъқулланди.

Орадан кўп ўтмаёқ очиқ майдон усти ёпилди. Печь қурилди. Шу ернинг ўзида тайёрланган деталларга дастлабки ишлов берилгандан кейин эмаль қопланди. Бу касбни биринчилардан бўлиб Т. Эрматов эгаллади. Эндиликда ишлар конвейер усулида олиб бориляпти.

Эрта билан бригадаларга иш тақсимлаб бўлгач, участкани бирма-бир айланиб чиқаман. Мана бугун ҳам худди шундай. Тожибой ҳаммадан олдин келиб, дастгоҳларни, ишчилар ўрнини, кундалик иш учун керакли деталлар етарлими ёки йўқми эканлигини кўздан кечирмоқда. Ишчилар ўз ўринларини эгаллашган. Тайёрлов цехининг ишчилари Т. Эрматов бригадасига кунига бир ярим нормага етказиб деталлар тайёрлашлари керак.

— Нега шундай?

Бунинг боиси коммунист Т. Эрматов бошлиқ бригаданинг тўққиз аъзоси бир ёқадан бош чиқариб: «Ўнинчи беш йилликда беш кунлик топшириқни — тўрт кунда бажариш» юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилганлар. Шунинг учун ҳам загатовкачилардан кўпроқ ва сифатлироқ деталлар етказиб беришни талаб қилишади.

Деталларни эмаллаш шунчаки осон иш эмас. Металлар машиналар «тиғи» остида бўлакларга ажратилиб, ундан турли хил деталлар тайёрлангач, эмаль участкасига юборилади. Бу ерда деталлардаги занг, мой ва бошқа нарсалар тозаланади. Шундан кейин ҳар бир деталга совуқ ҳолдаги эмал берилади. Улар конвейер илмоқларига осиб печка ичига ҳайдалади. У ердаги 800—900 даражали иссиқда деталь эмаль билан ажралмас ҳолга келади. Шундан кейин тўғри контролерлар қўлига боради. Оддийгина кўринган бу иш жараёни ҳар бир ишчидан катта меҳнат, эътибор, масъулият талаб қилади. Т. Эрматов бригадаси аъзолари алоҳида диққат-эътибор билан меҳнат қиладилар ва маҳсулот тайёрлайдилар. Чунки, бригада аъзолари йил бошидаёқ қабул қилган социалистик мажбуриятларида фақат «аъло» даражада маҳсулот тайёрлаш ва уни биринчи тақдимдаёқ техника контроли бўлимига тақдим этишни биринчи қилиб ёзиб қўйишган. Шу билан бир қаторда меҳнат унумдорлигини ошириш, юз килограмм шкиллер—совуқ эмаль қопламаси, кўплаб электр энергияси тежашга сўз берганлар.

Илғорларнинг сўзи билан иши бир. Улар планга қўшимча шу кунгача уч юзта газ плитасига етадиган деталларга эмаль қопладилар. Шуни айтиш керакки, ҳар бир газ плитаси учун 16—20 деталь ишлатилади. Тўққиз ишчининг ҳаммаси бири-бирининг ўрнини эгаллаб ишлаши ҳам характерлидир. Биз сафимизда шундай меҳнатсевар азаматлар борлиги билан фахрланамиз. Чунки ҳар бир ишчининг ижодий меҳнати умумколлектив эришадиган муваффақиятнинг гарови бўлади. Шундай илғорлар куч-ғайрати туфайли корхонамиз беш ойлик топшириққа қўшимча 660 та газ плиталари ишлаб чиқарди ва истеъмолчиларга юборди.

Ҳикмат БЕКТЕМИРОВ,
газ аппаратлари заводи эмаль участкасининг мастери.

•Дил ташаккури

РАҲМАТ АЙТАМИЗ

Соғлиғим ёмонлашиб қолди. Дарҳол доцент Ҳайдар Комиловга мурожаат қилдим. У республика онкология диспансерида ётишим кераклигини айтди.

Бу ерда менга Ҳайдар акадан ташқари ўз касбининг устаси бўлган кўплаб шифокорлар ёрдам қўлларини чўзишди. Уларнинг меҳрибончилиги ва ўз вақтида тиббий ёрдамлари туфайли тезда оёққа туриб кетдим. Бу ерда мен билан бирга даволанган Ш. Асрорқулов, С. Бурхонов, М. Тошев каби беморлар ҳам касалхонанинг С. Йўлдошев, Н. Рихсиева, Ш. Каримова, И. Мусаева сингари шифокорларига сидқидилдан миннатдорчилик билдирдилар.

М. ҚУЗИБОЕВ.

ГАЗЕТХОН ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ИСТЕҲЗОЛИ ХАТЛАР

2-Қорақамиш массивининг 3-микрорайонидаги 7, 6, 8, 9-уйларга ўрнатилган радиоточкалар бир кун ишласа, бир ҳафта ишламайди. Нега энди шаҳримиздаги бошқа массивларда радиоточкалар бинойидек ишлайди-ю, бизнинг микрорайонга келганда шундай бўлади. Шаҳар радиоузели тармоғидагилар массивдаги бундай камчиликларга қачон барҳам беришади?

А. НОРҚУЛОВ,
хизматчи.

* * *

Луначарский кўчасининг 1-проезди бошидаги Зовур кўпригининг бузилганига бир неча йил бўлди. Кўприкни тузатиб бериш ҳақида Куйбишев район ободонлаштириш бошқармасига маҳалла активлари бир неча бор мурожаат қилишди. Лекин у ердагилар ваъда беришдан нариги ўтишмаяпти.

А. РАҲИМОВ,
пенсионер.

* * *

Луначарский марказидаги 26-химчистка пунктига кирмаганингиз маъқул. Мабодо кириб қолсангиз буюмларингизни қабул қилиб олувчи аёлнинг қўпол муомалаларига чидайсиз. Қани чидамай кўрингчи, унда олиб борган нарсаларингизни қайтариб олиб кетаверасиз. Шаҳримиздаги бир қанча химчистка пунктларида бўлганмиз. Лекин мижозлар билан бундай қўпол муомалада бўладиган хизматчини биринчи учратишимиз. «Химчистка» фабрикасидагилар мижозлар дилини оғритадиган бундай ходимларга қандай чора кўришар экан?

М. ЖЎРАЕВ, И. ҲАЛИМОВ, Қ. РАҲМОНОВ, студентлар.

* * *

Бешқайрағоч массивидагилар бир неча маҳалла марказларига жойлашган газета киоскалари очилганидан хурсанд бўлишганди. Лекин, мана бир ойдирки, газеталар соат 10—11 ларда аранг келадиган бўлиб қолди. Массив аҳолиси эрталабки нонушта вақтида матбуот хабарлари билан танишарди. Энди газеталарнинг кечикишидан ранжишмоқда. Октябрь район «Союзпечать» агентлигидаги масъул ўртоқлар газеталарнинг ҳамшаҳарларимизга ўз вақтида келишини таъминлашлари зарур.

А. НУРМУҲАМЕДОВ, Ғ. ТОҲИРОВ, Л. ҲАМИДОВ, пенсионерлар.

Ким бўлсам экан?

Билим юртимизга марҳамат

ТОШКЕНТДАГИ 4-ҳунар-техника билим юрти республикамизнинг ишлаб чиқаришига ҳар йили 400 дан зиёд малакали мутахассисларни тайёрлаб бермоқда. Улар ўрта махсус ўқув юртларида билим олиш билан бирга, қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва экономиканинг бошқа тармоқларида мардонавор меҳнат қилаётган, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдек шарафли ишга ўз маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган кишилардир.

Бу билим юртимизда ўқув-тарбиявий ишлар намунали олиб борилмоқда. Билим юрти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча вазифаларни адо этиш учун таълим-тарбиянинг илғор методларини қўллаётирлар.

Билим юртида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, ҳунар ўрганишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Бу ерда 12 та ўқув кабинети, телевизион камера билан жиҳозланган 10 та устахона, 10 дан зиёд лабораториялар замонавий техника воситалари билан таъминланган, адабиёт, тарих, математика, физика, химия фанлари бўйича кинофильм—диафильм, диапозитив, кинофрагмент, схема, жадваллардан самарали фойдаланиб дарс машғулотларининг жонли ўтишига ва болаларнинг фан-техникага, ўз касбига қизиқишини орттирмоқдалар.

Ўқувчилар синфда олган назарий билимларини амалий машғулотлар давомида янада мустаҳкамламоқдалар, билим юртида бир неча тўгараклар ишлаб турибди.

«Труд фильм» тўгараги, радиооператорлар, ёш алоқачилар, бадиий ҳаваскорлик, спорт тўгараклари мунтазам равишда ишлаб турибди. Бу тўгаракларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи У. Исломов, 25 йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчи Н. С. Попов, Х. Султоновалар бошчилик қилмоқдалар...

Шу беш йилликда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун аввало, бир вақт ичида ихтисос ва умумий ўрта маълумот олиш имконини берадиган, ҳунар-техника билим юртларида ёшлар орасидан юқори малакали ишчилар тайёрлашни ва ўрта ҳунар-техника ва техника билим юртларида ўқувчилар қабул қилишни 2 баравардан зиёд кўпайтириш, ҳунар-техника таълими системасида тахминан 11 миллион малакали ишчи тайёрлаш мўлжалланмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган билим юрти педагогика коллективи, етук ишчи ўринбосарлари тайёрлаш борасида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Х. ЭРНАЗАРОВ,
4-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

ҲАМ куласиз, куясиз

Икки хил манзара

Шаҳар айланадиган бўлдик.

— Уч-тўрт йил ўртасида Тошкентда бўлганим йўқ. Жуда ўзгариб кетибди. Бир томоша қилайлик, — деб қолди меҳмон.

Таклифни бажонудил қабул қилдим.

Саёҳатни марказдан бошладик. Кенг ва равон кўчалар, кўркам хиёбонлар, осмонўпар биноларни кўриб меҳмон маҳлиё бўлиб қолди. Одамларни айтмайсизми, бир-бири билан ширинсўз, хушмуомала.

Йўлда трамвайга нуроний отахон чиқди. Дарҳол унинг қўлтиғидан икки киши олди. Олдинги ўриндиқда ўтирган жувон ширинсуханлик билан жой бўшатди. Ота миннатдорчилик билдирди. Меҳмон бу воқеани кузатиб туриб:

— Гўзал шаҳарга маданиятли одамлар жуда ярашаркан-да,— деб қўйди.

«Кўкча» бекатида трамвайдан тушиб, кўча бўйлаб кетдик.

— Шундай катта кўча четига йўлка қилишмаган эканда, — деди меҳмон иссиқдан қизарган юзларини рўмолчаси билан артиб.

Атрофга назар ташлаймиз. Машина юравериб, йўллар ўнқир-чўнқир бўлиб кетибди. Ифлосликларни айтмайсизми? Баъзи жойларда уюм-уюм ахлатлар ҳам кўзга ташланади. Тавба, бу ерда боя биз кўрган гўзалликдан асар ҳам йўқ. Бутунлай бошқа манзара.

Бозорчага кирдик. Тартибсизликдан «кўз қамашади».

Меҳмондан бир хижолат бўламан. Қани энди бу ердан тезроқ чиқиб кета қолса. Хайрият, ниҳоят кўчага чиқдик. Хаёл билан бораётгандик, бирдан орқадан келаётган машина қаттиқ тормоз берди. Кўчани кесиб ўтаётган хотин қўрққанидан дарҳол ўзини четга олди.

Одамларнинг кайфиятига атроф-муҳитнинг таъсир қилишига шу ерда яна бир ишонч ҳосил қилдим. Боя хушмуомалалик қаёқда-ю, бу ердаги кўнгилбузарликлар қаёқда.

Бу ҳақда редакциямизга Собир Раҳимов район, Зиёмов кўчасининг 5-уйида истиқомат қилувчи Камол Шарифи ҳам танқидий мактуб йўллабди.

Октябрь район ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасидаги ўртоқлар юқорида айтилган камчиликларга барҳам беришлари керак.

ҲУШЁРБЕК.

Инсон саломатлиги йўлида

ЎЗБЕКИСТОН ТРАВМОТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

Бугун республикамиз жамоатчилиги ва медицина ходимлари Ўзбекистон травмотология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг 30 йиллик юбилейини нишонламоқда. Шу муносабат билан Москва, Ленинград, Харьков ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидан ҳамда республикамизнинг область ва районларидан келган мутахассислар иштирокида илмий сессия ўтказилади.

Сессияга институт коллективи илмий даволаш ва ташкилий-методик фаолиятда қатор ютуқларни қўлга киритган ҳолда келди.

Институт ўтган йиллар давомида соғлиқни сақлашнинг муҳим масалаларини ҳал қилишга эътибор берди. Жароҳатланишнинг олдини олиш, жароҳатлар ва таянч—ҳаракат аппаратлари касалликларини даволаш, Ўрта Осиё республикаларига травмотология ва ортопедик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқ хўжалигининг етакчи соҳаси—пахтачиликда жароҳатланишнинг сабаблари ўрганиб чиқилди. Илмий—асосли тавсияларни жорий этиш асосида ана шундай жароҳатланиш миқдори уч баравар камайди, ҳар минг ишловчи ҳисобига 4960 сўм иқтисодий самара олиниши ҳисоблаб чиқилди. Институтда ортопедик касалликлар бўйича ҳам катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилляпти, катталар ва болалар жароҳатлари ҳамда касалликларини даволашнинг замонавий принциплари ишлаб чиқилмоқда.

Илмий-тадқиқотлар сифатига бўлган талабларнинг ўсиб бораётганлиги муносабати билан институт томонидан қўлга киритилган ютуқларни тезрок амалиётга тадбиқ этиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда бир қатор касалликларни даволашнинг самарали методлари амалий медицинага жорий этилди. Институт олиб борган катта ташкилий ишлар туфайли республика областларида 47 ихтисослашган бўлим, 2 область ихтисослашган ортопедия— травмотология касалхонаси ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида касалхоналардаги ўринлар сонини 1946 йилдаги 432 тадан 1976 йилга келиб 4650 тага етказиш имконини берди. 215 кабинет, кечаю кундуз ишлайдиган пунктлар очилди. Институт барча касалхоналар, ортопедия—травмотология соҳасидаги бўлимлар билан доимий алоқа боғлаган.

Бугунги кунда 12 ихтисослашган мактаб-интернат ишлаб турибди. У сколиоз билан касалланган болаларга мўлжалланган. Интернатлар республикамиз шароитида бу касалликни даволашнинг самарали шакли бўлиб қолмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида 58 доктор ва медицина фанлари кандидати тайёрланди. Ҳозирги пайтда институтда 4 доктор ва 27 фан кандидати иш олиб боряпти.

Сессияда институт ходимлари таклиф қилган методика бўйича суяк синишини даволаш натижалари ҳақидаги қизиқарли ва мазмунли докладлар тингланади. Болалар ёшида тез-тез учраб турадиган касалликлар ва шикастланишлар (белнинг туғма чиқиши, маймоқлик, рахит оқибатлари, куйиш таъсири ва бошқалар) ҳақидаги докладлар ҳам қатнашчилар эътиборига ҳавола этилади. Профессор О. Ш. Шокиров қадимий халқ даво воситаси бўлган мўмиёи асилнинг суяк синишини даволашдаги самарали таъсири ҳақида олиб борган тадқиқотлари натижасини баён қилади. Мўмиёи асилнинг хоссалари устида узоқ йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар, бу модданинг биоген стимулятор хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Аммо уни қўллаш фармакология комитети томонидан даволаш препарати сифатида батамом тасдиқлангандан кейингина мумкин бўлади.

Институт коллективи одамлар саломатлиги учун курашиб, беморларни даволаш ишини янада яхшилаш мақсадида ўз билимини тобора оширмоқда ва такомиллаштирмоқда.

Н. ШОМАТОВ,
институт директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

•Фан оламида

КУМУШГА ЭҲТИЁЖ ҚОЛМАЙДИ

Плёнкани дориламасдан, унга ёруғлик тушиб қолишидан чўчимасдан, бунинг устига секунднинг ўндан бир неча улуши ичида фотосурат ёки кинокадр ҳосил қилиб бўлмасмикин? Кўплар бу саволга салбий жавоб қайтаради. Лекин бундай кишилар хато қилади. Тасвирни фототермопластик ёзув усули билан шундай кадрларни рўёбга чиқариш мумкин. Фотография жараёнининг шу принципиал янги усули Кишинев Давлат университетида физика-математика фанлари доктори Л. М. Панасюк раҳбарлигида ишлаб чиқилди.

Телекамера объективи олдида— тўқ сарғиш, слайдга ўхшаш фотоплёнка туради. Камера телевизор уланиши билан унга олинган фильм кадрлари экранда пайдо бўлади. Ҳозирча бу ишлар тажриба тарикасида ўтказилмоқда. Келажакда эса ҳозиргина ёзилган тик турган ёки ҳаракатдаги тасвир, чизма, ҳар қандай буюмларни шу заҳоти эфирга ва экранга юбориш имконияти пайдо бўлади. Кераксиз тасвирни ўчириб, фотоплёнкадан магнитофон лентаси сингари кўп марта фойдаланиш мумкин. У ҳатто 250 марта ишлатилганидан кейин ҳам фойдаланса бўлаверади.

Ленинградлик олимлар ишлаб чиққан шишасимон ним ўтказгич материал — ёруғлик нурланишининг идеал регистратори туфайли шу янгилик пайдо бўлди. Кишиневлик физиклар янги фотоплёнкада шуни ишлатдилар, термопластик ҳам унинг таркибий моддаларидан бўлиб қолди. Бу ерда тахчил кумушга тамомила барҳам берилди. Плёнкани сезгир қилувчи галлоид-кумуш қатлами вазифасини ним ўтказгич материал бажарадиган бўлди.

— Сурат олиш учун одамдаги фотоаппарат ярайверади, — дейди профессор Л. М. Панасюк.— Лекин унда унча мураккаб бўлмаган қўшимча қурилма — электрод билан иситиш элементи бўлиши лозим.

(ТАСС).

Яқинда Москвада машҳур давлат ва партия арбоби, улуғ Лениннинг умр йўлдоши ва сафдоши Н. К. Крупскаянинг ҳайкали очилди (суратда). Сретенск дарвозаси ёнидаги хиёбонда ўрнатилган бу ҳайкалнинг муаллифлари — ҳайкалтарошлар Е. Ф. Белашова билан А. М. Белашовлардир. Архитектор — В. Л. Воскресенский.

А. Ковтун фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Абдижамил НУРПЕИСОВ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

ЗУЛМАТ

(«ҚОН ВА ТЕР» ТРИЛОГИЯСИНИНГ БИРИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

— Келинга-ку, маза! Мана бунинг бу ёққа тоқати тоқ бўлиб кетяпти...

Бироз туришгач, йигитларнинг ҳам сабрлари чидамади. Келинга бир тегажоқлик қилгилари келди. Секин-аста Бўбек ўтирган ерга бостириб бора бошлашди. Яқин бориб бир зум қулоқ солишди-да, чақира бошлашди. Бўбек қимир этмади.

— Нима бўлгандаям ўзимизнинг янгамизку, уялиб ўтирамизми!— деди йигитлардан бири ва шохларнинг орасига кирди. У жўрттага шохларни қисир-қисир қилиб, яна ҳам яқинроқ борди. Энгашиб, бирдан қичқириб юборди.

— Ҳой, бу ёққа!

Ужирай ёнидагиларни нари-бери итариб, ўзи биринчи бўлиб ўша ёққа югурди. Йигитларнинг қўлидаги тамбага илинган камзулни қўлига олиб, у ёқ-бу ёққа алангладида, тамба билан камзулни қоронғиликка улоқтирди.

* * *

Бўбек қоп-қоронғи чўлда узоқ югурди, тиқ этган овоздан писиб, тўсатдан битта отга дуч келиб қолди. От қудалардан биттасиники бўлса керак, чилвир билан оёғи тушовлаб қўйилган экан. Эгарлоғлиқ. От одам шарпасини билиб пишқира бошлади. Бўбек тушовни ечиб, оёғини узангига қўйганда билса, кимдир от бечорани чоптиравериб, қора терга туширган экан.

Тонг ёриша бошлади. Ҳали уфқда қуёш бош кўтаришига анча бўлса ҳам шарқ томон хиёл ёришиб, осмон ердан ажрала бошлаган эди. Бўбек Беларан томонга қараб чопди, у тонг отмаса дерди. Йўлида баҳор сувлари ёйилиб оқаётган бир сойга дуч келди. Сойни айланиб ўтай деса, вақтни бой бериб қўяди. У кечиб ўтишга қарор қилди. Аввалига сой анча саёз кўринди. Кейин сув борган сари чуқурлашиб, отнинг сағрисигача чиқа бошлади. От энтикиб, пишқириб, аранг илгарилаб борарди. Бўбек ҳам оёғини тортиб қоп-қора сувга даҳшат билан тикилар ҳозир бирон ерга тушиб кетаманми, деб қўрқарди. Аммо сал ўтмай, сой яна саёзлашди, қирғоқ яқинлашиб қолганини сезиб, от ҳам анча жонланди. Сув тагидаги тошларга тақаси тегиб, тақ-тақ қилиб қўярди. Бўбек, энгашиб, бу овозларга жонланиб қулоқ тутарди.

Ҳали унча узоқ кетиб улгурмасиданоқ, отнинг чарчагани сезила бошлади. Шунинг учун ҳам Бўбек тез-тез орқасига қараб қўярди. Аммо чўлнинг бирон томонидан қувлаб келаётганларнинг қораси кўринмасди.

Тундаги булутлар тарқаб, осмон мусаффо тусга кира бошлади. Уфқда қуёш жамолини кўрсатди. Чўл юзини ям-яшил чалав ва ювшан қоплаган. Димоққа аччиқ, нам ҳаво урилади. Тунда тушган шудрнинг ҳақиқдай ялтиллаб, кўзни олади. Отнинг кетидан изи аниқ-таниқ тушиб келмоқда эди. Тонг бўзара бошлагандан тўрғайлар тинмай хониш қилади. Тўрғайлар отнинг туёғи остидан пар этиб учиб, самога кўтарилади-да қанотларини пирпиратиб, бир ерда муаллақ туриб қолади. Бўбек ҳамма нарсани унутиб, тўрғайларга анқайиб, сайрашларига маҳлиё бўлди-қолди. Боши устида осмон қилт этмайди, тўрғай ҳам бир нуқтада қотиб туриб қолгандек. Бўбек бирдан ўзига келди, назарида, тагидаги от ҳам бир ерда туриб қолгандек бўлиб туюлди. У отни ниқтаб, қичқирди:

— Чу, чу жонивор!

Бўбек бир амаллаб Беларанга етиб олди, олдинда жимир-жимир қилиб ётган чексиз дарё кўринди. У қиялиқдаги ертўлаларни, қирғоқда жавлон уриб учаётган оқ чорлоқларни кўрдида, хурсанд бўлиб жилмайди. Беларандан пастга туша туриб, орқасига яна бир қаради. Шунда узоқда чанг-тўзон кўтариб, шамолдек елиб келаётган отлиқларга кўзи тушди.

— Чу! Чу-у! Жонивор! Бўла қол, оз қолди! Жуда оз қолди етишмизга!

Бўбек ҳамма-ҳаммани — худони ҳам, ота-боларининг арвоҳларини ҳам мададга чақирди. Оти тинмай қоқилар, чўккалаб қолар, тумшуғи, биқинларидан парча-парча кўпик сочиларди. Овулга яқинлашиб қолганида от яна бир қоқилиб йиқилди-да, қайтиб ўрнидан туролмади. Бўбек ирғиб ўрнидан туриб, рўмолини силкита-силкита, овози борича қичқириб, овул томон югурди. Қувиб келаётганлар эса бу орада Беларандан тушиб келишмоқда эди. Чопиб келаётган отлиқлар Бўбекни кўришди, қаршисидан югуриб келаётган балиқчиларни ҳам кўришди. Овозлари борича ҳайқиришди:

— Райжон!... Ёрдам бер менга! — деб қичқириб борарди эс-ҳушидан айрилаёзган Бўбек.

Бўбекни балиқчилар ўраб олишди, ҳамма ҳар томондан, биров таёқ, биров тўқмоқ кўтариб югуриб келаверди. Бир зумда элликка яқин одам тўпланиб қолди. Шовқин-сурон бўлиб кетди. Кейин ҳамма нафасини ичига ютиб, таъқиб этувчиларнинг етиб келишини кутди. Елдай учиб келаётган йигитлар ўн қадамча нарида отларини жиловидан тортиб тўхтатишди. Кален балиқчилар орасини ёриб, қўлида узун темир найза билан олдинга чиқди. Йигитларнинг попуклари бир зумда пасайиб қолди. Фақат ғазабдан қизариб, терлаб-пишиб кетган Ужирай тўғри унинг устига бостириб кела бошлади. Ужирайнинг тагидаги Усмоннинг ола оёқ оти эди. Ужирай ўнг қўлининг енгини шимариб, эгардаги оғир ёғоч найзасини олди. Чап қўли билан отни тўхтатиш учун жиловидан тортди. У энгашиб, борган сари Каленга яқинлашиб борарди. Худди шу пайт Мунке ўзига келиб қичқирди:

— Йигитлар, йигитлар! Биродарлар! Нима қиляпсизлар? Бас қилинглар!

Йигитлар бирдан портлаб кетишди. Бақириб-чақириб, калтакларини силкитиб, дўқ қила бошлашди.

— Есиримизни берсаларинг қайтиб кетамиз!

— Есиримизни қайтаринглар!

— Есиримизни, есиримизни!..

— Агар у сизларнинг есирларинг бўлса, —деб қичқирди овози борича Мунке, — менга қайинсингил бўлади. Хотинимнинг синглиси бўлади!..

— Йигитлар, нега қараб турибсизлар, босинглар! — деб қичқирди серсоқол барзанги ва отини жиловидан тортган эди, оти орқа оёғига туриб қолди.

Йигитлар отларини қамчилаб, ўзларини оломонга уришди. Икки ўртада уруш бошланиб кетди. Бир пайт хушини йўқотган Бўбек юлқиниб, олдинга интилди.

— Йўқ, йўқ, уришманглар!.. — дея қичқирди у бўғиқ овоз билан. — Балиқчилар, қўйинглар, қон тўкманглар!.. Мен ўзим кетаман... Бола-чақаларинг бор, жабр бўлмасин!...

Рай уни қувиб етиб, оғзини бекитди, орқага тортди.

— Ур итларни, бос!— деб бўкирди Ужирай ва ўзи Райнинг устига ташланди.

Ҳаммаёқ тўс-тўпалон, чанг-тўзон бўлиб кетди. Отлар оғзидан кўпик сачратиб пишқирди. Кейин жимжит бўлиб қолди. Фақат калтакларнинг тасир-тусири, ҳарсиллаш, отларнинг пишқириши-ю, туёқларнинг дупури, калтакларнинг гурсиллаши эшитилади, холос. Кўплар аллақачон отдан уриб йиқитилган, қанчадан-қанча балиқчи тупроққа қоришиб ётарди.

Серсоқол Каленнинг устига бостириб келади, чўкмори билан мўлжалга олади. Кален ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб, унга чап бериб турди-турди-да, кейин серсоқолнинг қўлидаги чўкморини уриб туширди. Қўлидаги найзаси билан уни мўлжалга олиб туриб бир урган эди, серсоқолнинг елкасига тегди. Серсоқол ёнбошига йиқилиб, узангида осилганча хириллаб қолди.

Ужирай ўша Райни мўлжалга олганича сира қўймади. Чанг-тўзон орасидан уни таъқиб қилиб бораверди. Аммо ўнг, чап томонидан ҳамла қилиб турган балиқчилар унга илгарилагани йўл беришмасди. Ужирай бир сафар Райга етиб олиб, найзасини ўқталаётганида чанг орасидан калтак ушлаган бир балиқчи отилиб чиқиб, Ужирайни бир урди. Калтаги Ужирайнинг оёғига тегди. Ужирай отининг жиловини қўйиб юборди. Найзани иккала қўли билан ўша балиқчига санчди. Ужирайнинг оти боғи балиқчини судраб, олдинга интилди, Ужирайнинг ўзи эгардан сурилиб тушиб қолишига оз қолди. У зудлик билан найзани қўйиб юборди. Кўзи яна ўзини отлиқлардан ҳимоя қилаётган Райга тушди. Бўбек ҳам унинг олдида эди. Ужирай чинқириб ўзини оломон орасига урди, ўзинникими, бегонами — суриштирмай савалаб, Райга етиб олди. Дарра билан Райнинг бошига бир урган эди, у ҳушидан кетиб йиқилди. Ужирай Бўбекни сочидан чангаллаб, «ё пирим!» — деди-да, отига қамчи босди. Узоқда қаршисида қўлида темир найзаси билан югуриб келаётган Каленни кўриб, эпчиллик билан Бўбекни тортиб, эгарининг олдига кўндаланг ташлади-да, отига қамчи босди. «Эй-эй! Қани, кетдик!» — деб қичқирди у шерикларига. Йигитлар отларини кетига қайириб, хурсандликларидан қийқиришиб унга эргашишди.

Кален йигитларнинг кетидан югурди-ю, аммо чанг-тўзондан нафаси тиқилиб, ҳеч нарсани кўрмай тўхтаб қолди. Оти йўқлиги алам қилиб кетди унга. Қўлидаги темир найзасини ерга санчиб, беихтиёр сўкинди. Орадан бир нафас ҳам вақт ўтмай юз-кўзи қора қонга бўялган Рай югуриб келди-да, унинг олдида тўхтади. Каленни қўлидан ушлаганча. аллақачон узоқлашиб кетган отлиқларнинг кетидан қараб қолди. Йигитлар Беларанга етиб олишган эди.

— Кален оға, энди нима қилдик!—деб фарёд уриб, йиғлаб юборди у. — Минг лаънат, бизнинг турмушимизга!..

* * *

Бундан икки ой муқаддам хотин, бола-чақасини ёлғиз қолдириб кетган Аҳмат эзма овулига қайтиб келмоқда. Отининг қадам олишлари чаққон. Ўзи ювиниб-тараниб, янги, озода кийимларни кийиб олган. Ҳатто кўйлагининг ёқаси топ-тоза. Эгарининг орқасига иккита тугунни боғлаб олган. У уйини узоқдан кўрди. Бесабрлик билан бақириб, хотин, бола-чақасини чақира бошлади. Аҳмат эзма уйига шошилар, аммо оти оқ ўтовлар атрофида ўт сероб бўлгани, яйловларда ўтлаб юриб эринчоқ бўлиб қолган, эгасининг қистовига пинагини бузмасди.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонида).

(Давоми бор).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ

ҲАЙДАРОБОД. Кенг ва ёруғ цехдаги узун-узун конвейерларда телевизорларнинг айрим схемалари йиғилмоқда ва телевизор монтаж қилинмоқда. Унинг ёнида телевизорлар текширилиб созланмоқда, ундан нарида эса тайёр маҳсулотлар териб қўйилган. Жанубий Ҳиндистондаги Андхра Прадеш штатининг маъмурий маркази — Ҳайдарободдан сал нарида жойлашган давлат радиоэлектроника корпорациясининг шу корхонаси йилига 20 мингта телевизор тайёрлаб чиқармоқда.

«Бу телевизорларни тамомила ўз инженерларимиз конструкция қилганлар, уларни ясашга кетадиган деталларнинг 70 проценти ҳам ватанимизда ишлаб чиқарилган, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда корпорациянинг бош бошқарувчиси С. А. Вижайка. — 9 йилдан бери ишлаб турган корпорацияни тузишдан мақсад қимматбаҳо аппаратларни импорт этишдан воз кечмоқ учун электроника соҳасида ўзимизни-ўзимиз таъминлаб туришга эришишдан иборатдир. Ҳозирги вақтда биз электрон-ҳисоб машиналари, ўлчов аппаратлари, турли корхоналар учун технологик жараёнларни бошқарувчи электрон пультлар, медицина ва темир йўл транспорти эҳтиёжларига кетадиган аппаратлар ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз.

Ҳиндистон корпорацияни «ўзини-ўзи таъминлаш рамзи» деб атамоқда, — дейди С. А. Вижайка. Технология жиҳатидан жаҳондаги энг яхши стандартлардан 5—6 йил орқадамиз ва маҳсулотимиз жаҳон бозорига чиқарилмайди, албатта. Аммо корпорациянинг фаолияти электроника импортини анча қисқартиришга имкон берди. Шу туфайли биз чет эл валютаси билан миллиард-миллиард рупия тежадик.

Корпорация яқин ўн йил ичида жаҳон стандартларига етиш вазифасини қўймоқда, 9200 кишилик коллектив шунинг устида иш олиб бормоқда. Шуларнинг мингдан ошиғи Ҳиндистонда таълим олган юқори малакали инженер ва техниклардир.

Корпорация йил сайин янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштириб, технологияни такомиллаштириб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси корпорация доимо муваффақиятга эришувига имкон бермоқда. **Р. ГЛАДКИХ.**

МУСОБАҚАНИНГ ФОЙДАСИ

ВАРШАВА. Халқ Польшасидаги бир ярим мингдан кўпроқ корхона «ДО—ро» деб аталган тўртинчи умумпольша мусобақасида қатнашмоқда. «Яхши иш» маъносида қисқартириб айтилган «До—ро» мусобақасида қатнашиш ҳар бир корхонага сезиларли фойда келтирмоқда. Мусобақа ғолиблари бундан ташқари катта пул мукофотларини ҳам олмоқдалар. Ўтган йили мусобақада ғолиб чиққан «Мера—пнефаль» саноат автоматикаси заводи мисолида буни яққол кўриш мумкин. Бу ерда саноат объектларини комплекс автоматлаш системаси яратилмоқда.

«До—ро» мусобақасида қатнашиш уч ярим минг кишилик завод коллективига техника тараққиётининг энг янги муваффақиятларни жорий этиш билан астойдил шуғулланишга имкон берди. Бу эса ўтган йилги ишлаб чиқариш планини деярли 30 процент ошириб бажариш имкониятини яратди.

Дарханнинг ғалабаси

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг иккинчи йирик саноат маркази—Дархан шаҳри кенгаймоқда ва ўсмоқда. Шаҳар корхоналари бу йил 1955 йилда бутун мамлакат ишлаб чиқарган миқдорда маҳсулот чиқаради. Шаҳарда Монголия Халқ Республикаси саноати деярли барча асосий тармоқларининг — ёқилғи-энергетика, бинокорлик, енгил озиқ-овқат саноатининг корхоналари бор.

Дарханликлар Монголия Халқ революцион партиясининг бўлажак XVII съездини муносиб кутиб олиш ҳаракатини кенг авж олдирдилар ва катта муваффақиятларга эришдилар. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида мамлакатда пландан ташқари 4,8 миллион тугрик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариб, социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари адо этдилар.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ АРАФАСИДА

ЛИССАБОН. Португалияда 27 июнга тайинланган президент сайловига тайёргарлик кампанияси расмий равишда бошланишига бир ҳафтадан озроқ вақт қолди. Сайловда қатнашадиган тўрт номзод аниқланди. Булар — қуруқликдаги кучлар бош штабининг бошлиғи генерал Рамалью Э. Эонеш, ҳозирги бош министр вице-адмирал Пиньеру Ди Азбеду, Португалия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Октавиу Родригеш Пату, шунингдек майор Отелу Сараева Ди Карвальюлардир.

Республика президенти лавозимига кўрсатилган номзодлар шу кунларда митинглар, йиғилишлар, матбуот конференцияларида нутқ сўзлаб, ўз позицияларини тушунтириб бермоқдалар.

Португалия Компартиясининг номзоди Октавиу Родригеш Пату мамлакатнинг марказий ва жанубий районлари бўйлаб сафар қилди. У Эвордаги кўп минг кишилик митингда нутқ сўзлаб, республика мажлисида сўл кўпчиликни вужудга келтириш ва сўл ҳукуматни тузиш — португал меҳнаткашларининг революцион ғалабаларини: аграр ислоҳот, национализация, ишчилар контроли ва шу кабиларни ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиради, деб таъкидлади.

Чет эл интервентлари ва ички реакция қаршилигининг сўнгги ўчоқларини тугатган Ангола халқи мамлакатни янги жамият қуриш йўлидан олиб бораётган Ангола озодлиги учун халқ ҳаракати (МПЛА) ташкилоти байроқлари остида якдиллик билан бирлашди.

СУРАТДА: Уамбо шаҳри аҳолисининг митинги. Митинг қатнашчилари ўзларининг МПЛА билан бирдамликларини изҳор этмоқдалар.

БТА—АПН фотоси.

Совет фильмлари фестивали

НАЙРОБИ. Бу ерда Кения киножамияти ташкил этган Совет фильмлари фестивали рангли кенг экранли «Насимий» кинолентасини кўрсатиш билан очилди. Кения сув хўжалиги ва тараққиёт министри Гиконьо Киано фестивалнинг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, Найроби аҳолиси Совет киносанъатининг асарларини зўр қизиқиш билан кўради, деб ишонч билдирди.

Г. Киано Кения турли мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш истагида эканлигини таъкидлаб, ушбу фестиваль СССР билан дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Мулойимлик ва унинг фазилатлари ҳақида

Энг кучли киши шундай кишики, ғазаб келганда уни боса олади ўз нафсини эса тўғри йўлга бошлай олади.

Шеър:

Кучлигу ҳам шер юрак одамни сен мард дема,
Ғазаб келса ғазабин боса олган мард эрур!

ҲИКОЯТ. Сулаймон Варроқ шундай ҳикоят қилади:

— Бир куни халифа Маъмун олдида ўтирган эдим. У заргарни чақиртирди ва унга каттагина ёқутни бериб, узук тайёрлашни буюрди. Эртасига яна ўша пайтда унинг олдида ўтирган пайтимда узук эсига тушиб, заргарни чақиртирди. Эшикдан кириб келган заргар терак япроғидек қалтирар эди. Маъмун ундан нима бўлганини сўради. Заргар қалтираб деди:

— Мен узукни тайёрлаб, энди унга ёқут нигинни ўрнатаётган эдим, бирдан қўлимдан тушиб сандонга тегди ва тўртга бўлиниб кетди!

Катталиги ва тозалиги жиҳатидан ноёб бўлган бундай ёқут камдан-кам ҳукмдорда бўлар эди. Унинг синганини эшитган Маъмун ҳеч қайғуга тушмади ва заргарга қараб:

— Майли, хафа бўлма, бориб ундан тўртта узук яса,— деб буюрди.

Маъмундан содир бўлган бундай муомала чидам ва мулойимликнинг юксак даражаси эди.

Шеър:

Юмшоқликдир камолотнинг мояси,
Иззат билан улуғликнинг сояси.
Хижолатли кўзларгадир тўтиё,
Синган юрак ойнасига мумиё!

Анушервон Бузургмеҳрдан сўради:

— Мулойимлик нима?

— Мулойимлик ахлоқ дастурхонининг тузидир. Ҳилм, яъни мулойимлик сўзини тескари томонидан ўқисак, «милҳ», яъни туз деганн бўлади. Ҳеч бир овқат тузсиз маза бермайди, ҳеч бир ахлоқ ҳилм, яъни мулойимликсиз камол тополмайди! — деб жавоб берди у.

Анушервон яна ундан:

— Мулойимликнинг аломатлари қандай бўлади?— деб сўради.

— Унинг уч аломати бўлади, — деб жавоб берди Бузургмеҳр, — биринчиси шуки, биров қовоғини солса ёки аччиқ сўзларни айтса ҳам унга жавобан ширин сўз айтади, агар ўз феъли билан хафа қилса уни хурсанд қилишга уринади, Чунончи Ҳофиз Шерозийнинг мана бу байтлари шу маънога мосдир:

Энг олий юмшоқлик нимадир, айтай,
Ҳар ким заҳар берса шакар берасан,
Мевали дарахтдан қолишма асло,
Тош отса мева-ю, самар берасан!

Иккинчиси шуки, ғазаб ўт олиб осмонга ўрлаган пайтда ҳам сукут ва хомуш туради. Учинчиси шуки, қаршисида турган одам нафрат ва ғазабга лойиқ бўлса ҳам келган ғазабини ичига ютиб, уни хафа қилмайди.

Маснавий:

Ёмонликка яхшилик қилмоқ,
Оқилларнинг наздида хушроқ.
Бу маънига ҳар кимки етди,
Ёмонликка яхшилик этди!

•Билиб қўйган яхши

ШАҲАРЛАР ВА УНИНГ АҲОЛИСИ

1974 йилнинг ўрталарида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ер юзидаги барча мамлакатларда истиқомат қилувчи аҳолининг сонини аниқлади. Маълум бўлишича, Ер юзи аҳолисининг ярмидан зиёди Осиёда яшар экан. Унинг аҳолиси 2 миллиард 238 миллион киши (СССР аҳолисидан ташқари) экан. Европа аҳолиси (Совет Иттифоқидан ташқари) 491 миллион кишини ташкил этган. Ўшанда Совет Иттифоқида 252 миллион аҳоли бор эди. Шу пайтда Африкада 387 миллион киши, Шимолий Америкада — 235 миллион, Марказий ва Жанубий Америкада —311 миллион, Австралия ва Океанияда эса 20 миллион киши яшаган эди. 1974 йилнинг ўрталарига келиб ер юзида истиқомат қилаётган аҳоли 3 миллиард 914 миллион кишини ташкил этган эди. Ер юзи аҳолиси сони 4 миллиардга етиб, бешинчи миллиардга ҳисоб очилганини биз «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йилнинг 3 апрель сонида босилган мақолада айтиб ўтган эдик.

Шуни айтиш керакки, ҳамма мамлакатларда шаҳарларнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Бироқ, планетамиз аҳолисининг фақат 6 процентигина юз мингдан зиёд аҳолига эга бўлган йирик шаҳарларда истиқомат қиляпти. Ҳозирги пайтда ана шундай шаҳарлар 1872 тадир. Аср бошида эса бундай шаҳарлар бор-йўғи 300 та эди. Аҳолиси бир миллиондан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 109 тага етди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ИЮНЬ — ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

15.30 «Ҳақиқатга айланган афсоналар». Монголия Халқ Республикасининг бугунги куни ҳақидаги телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 «А. Твардовский ижоди». 17.00 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 18.05 «Асл йигитлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.35 «Социалистик мусобақа кундалиги». 20.20 А. Н. Островский. «Бўрилар ва қўзилар». ССР Иттифоқи Давлат Академик Малий театрининг фильм-спектакли. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Бўрилар ва қўзилар». ССР Иттифоқи Давлат Академик Малий театри фильм-спектаклининг давоми. 23.45 Янгиликлар.

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 Мультфильмлар программаси. 11.00 «Мўжизасиз-мўъжизалар». 12.00 «Киносаёҳатчилар клуби».

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Инжиқ малика». Мультфильм. **Рус тилида:** 18.50 Совет Армияси жангчилари учун. «Дам олиш соатида». 19.15 «Ахборот» информацияси программаси. 19.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Партия раҳбарлигида экономиканинг янги методлари». **Узбек тилида:** 20.00 Меҳнаткашлар ҳаваскорлик ижодининг Бутуниттифоқ фестивали. Тошкент область ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Тошкент область ҳаваскорлик коллективлари. концертининг давоми. 21.50 «Далаишлари кундалиги». 22.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.25 Телевизион экранда биринчи марта. Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. «Зум-Зум». **Узбек тилида:** 19.20 Абитуриентлар учун. Математика. 20.20 Тошкент янгиликлари. 20.35 Москва филармонияси солистлари «Мадригал» вокал чолғу ансамблининг концерти. (рус.). 21.15 Абитуриентлар учун. Физика.

15 ИЮНЬ — СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 А. Н. Островский. «Бўрилар ва қўзилар». ССР Иттифоқи Давлат Академик Малий театрининг фильм-спектакли. 15.20 «Меҳнатинг-иқболинг». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 «Г. Марков ижоди». 16.55 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.45 «Объектив». 18.20 «Нергеби» болалар ансамблининг концерти. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Халқаро конкурс лауреати Евгений Могилевский чалади». Телевизион музикали фильм. 20.00 «Терентий Семёнович Мальцев ҳикоя қилади». 2-кўрсатув. 20.30 «Угил». Бадиий фильм. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 00.15 Марказий телевидениеси ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари хорининг концерти. 00.40 От спорти бўйича СССР чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 01.10 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров билан учрашуви. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Ёдгорликларни муҳофаза қилиш—умумхалқ иши». 20.00 «КПСС XXV съезди қарорлари —ҳаётга!». «Бунёдкор» программаси. 21.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 21.20 «Тошкент кўргазма заллари бўйлаб». 21.50 Бухоро педагогика институтининг «Садо» вокал чолғу ансамблининг концерти. 22.30 «Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети». Чорвачилик факультети» (ўзб.). 22.55 «Уч қитъа киноҳужжатчилари». Кинокўрсатув (рус.). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА.

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. 19.20 Абитуриентлар учун. Математика. (ўзб). 20.20 Тошкент янгиликлари. 20.35 Скрипка куйларидан концерт. 21.05 Абитуриентлар учун. Физика (ўзб.).

16 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ.

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 11.15 «Санников ери». Бадиий фильм. 12.45 «Халқаро конкурс лауреати Евгений Могилевский чалади». Телевизион музикали фильм. 15.25 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.55 «Адабий учрашувлар». С. Михалков. 16.40 «Сиз яратган боғ». 17.10 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 18.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ ноталар». 19.30 «Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги». 2-кўрсатув. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 20.45 «Спортлото» тиражи. 20.55 Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК—«ЛОКОМОТИВ». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 00.15 Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти. 01.00 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 11.30 Қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.00 «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм. 18.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.30 Ўқувчилар учун. «Жонажон ўлка». 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди давлат ва жамоат ташкилотларига партия раҳбарлигининг баъзи масалалари тўғрисида». **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот». информацион программаси (рус.). 19.30 «Буюк ва қудратли тил». 19.40 «Тошкент — дўстлик шаҳри». Тошкент шаҳридаги «Халқлар дўстлиги» мемориал ёдгорлик комплексидан репортаж. 20.00 Телевизион театр. А. Елагина. «Бахтли бўлинглар». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 ССР Иттифоқи большой театрининг 200 йиллигига бағишланган Тошкент хореография билим юртининг балет кечаси. 23.05 «Биринчи қор». Телефильм. (рус). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. «Чехословакия қўғирчоқлари». **Узбек тилида:** 19.15 «41-нчи йил олмалари». Бадиий фильм. 20.25 Тошкент янгиликлари. 20.40 «Она диёрда». Телевизион ҳужжатли фильм (рус). 20.50 «Думалоқ стол атрофида». 21.20 «Музика чолғу асбоблари тарихидан».

17 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлер. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.15 Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.20 Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти. 15.24 «Инсон меҳнати билан шарафлидир». 16.25 «Шахмат мактаби». Якунловчи кўрсатув. 16.55 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 18.00 «Фан оламида». 18.30 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. П. Гаркавенко билан учрашуви. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Жонли бурчакда». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Томошабинларнинг хатларига жавоблар». 20.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.30 «Сўз — олимларга». 20.45 Р. Шуман. «Вариациялар». 20.55 Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 С. М. Киров номли опера ва балет театри солистлари РСФСР халқ артисткаси И. Богачёва ва СССР халқ артисти Б. Штоколов концерти. 23.35 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 11.30 «Санъат ғунчалари. 12.40 «Сеҳрли тўн». Бадиий фильм. 18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Мультфильм. **Узбек тилида:** 18.50 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Прогресс» программаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.55 «Зангори экран», почтаси. 20.20 «Бугун дирижёр сиз билан». (рус). 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Фарғона область музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти. 22.00 «Тоғ оралиғидаги машаққатли йўллар». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми. 22.20 «Хиваликлар ташаббуси асосида». 22.30 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. **Узбек тилида:** 19.15 «Ким бўлсам экан!». Ўқув кўрсатуви. 19.45 «Музикали сайр» (рус.). 20.05 «Янги урф-одатлар». 20.35 «Токарь Вера Мясоедова». Телевизион ҳужжатли фильм. (рус.). 20.45 Тошкент янгиликлари. 21.00 Абитуриентлар учун. Физика.

18 ИЮНЬ — ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. П. Гаркавенко билан учрашуви. 11.00 Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.05 С. М. Киров номли Ленинград Давлат Академик опера ва балет театри солистлари РСФСР халқ артисткаси И. Богачёва ва СССР халқ артисти Б. Штоколов концерти. 15.25 «Буюк бунёдкорлик кундалиги». Кинопрограмма. 16.25 «Москва ва москваликлар». 16.55 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 18.00 «Социалистик реализм ҳақида». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Биз ўйнаб қушиқ айтамиз». 19.20 «Жасорат» дала почтаси. 20.00 «Музикали абонемент». «Рус романси». 20.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.20 Телевизион миниатюралар театри. «Марк Твен ҳикоялари». 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти. 23.35 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Болалар боғчасида сўнгги ёз». (рус.). 12.00 «Бешинчи «Б» да ўқийдиган». Бадиий фильм (ўзб.). 18.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун программа. 18.30 «Онсон иш эмас бу». Телевизион фильм. 18.45 «Қувноқ пионер ёзи». (ўзб.). **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Фан» программаси. 19.55 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!» «Ўзбекистон — БАМга». 1-Кўрсатув. **Узбек тилида:** 20.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов концерти. 22.00 «Биринчилардан бири». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми. 22.20 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.40 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА.

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «26-инчи отилмасин». Бадиий фильм. 20.45 Тошкент янгиликлари. 21.00 «Мангулик йўлларидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Саҳий қалблар».

19 ИЮНЬ — ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.00 Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.25 «Тўрт баҳор». Фильм-концерт. 13.30 «Дениска, Дениска...». «Телевизион ҳужжатли фильм». 14.05 «Вераси» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 14.25 «Адабий ўқишлар». 14.55 «Олтин нота». ГДРдан олиб кўрсатилади. 15.40 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 16.45 «Ҳайвонот оламида». 17.45 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 18.30 Мультфильмлар программаси. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Здоровье» программасининг почтаси. 19.45 Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балети. ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театрининг спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Ёшлар ўртасида футбол бўйича Европа чемпионати. ВЕНГРИЯ — СССР терма командалари. Будапештдан олиб кўрсатилади. 23.50 «Музикали танаффус». 24.00 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 10.20 Телевизион миниатюралар театри. Болалар учун программа 11.00 Телевизион фильм (рус.). 11.30 Концерт. 12.00 «Ёшлар ижоди». Адабий кўрсатув. 12.30 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти. 13.10 «Қил устида». Бадиий фильм. 1-серия. 14.30 Ота-оналар университети (рус.). 18.00 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун программа. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Қувноқлар даврасида» (ўзб.). **Рус тилида:** 18.55 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Ўзбекистон БАМга». 2-кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Нон мадҳи». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ёш ижрочилар концерти. Матлуба Дадабоева ва Чамангул Нуриллаева куйлайди. 22.00 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия. 23.15 Ҳужжатли фильм (рус.). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Душанба кўрсатади. 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Мультфильм. 18.45 Янгиликлар. **Тожик тилида:** 19.00 Ёшлар учун ҳарбий спорт программаси. 20.00 «Инсон ва қонун». 20.30 «Ахбор». 20.45 Телевизион фильм. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

20 ИЮНЬ — ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг!». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 12.10 «Бизнинг Лермонтов». 13.00 «Музыкали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари» 14.30 Бадиий фильм. 16.00 Бугун — медицина ходимлари куни. Кўрсатувда СССР соғлиқни сақлаш министри академик Б. В. Петровский иштирок этади. 16.30 Медицина ходимлари учун музикали программа. 17.05 Болалар учун. «Эски қалъа». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 18.10 Халқаро панорама. 18.40 И. С. Бах. Иккита-скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильмлар программаси. «Тимсоҳ Гена», «Уч куён». 19.45 «Цирк чироқлари». 20.35 «76-йил қўшиқлари». 21.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Москванинг концерт заллари бўйлаб». 23.25 Мотоцикл пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.55 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. **Узбек тилида:** Болалар учун программа. 10.20 «Камалак» клуби. 11.10 «Бремен созандалари изидан». Мультфильм (рус.). 11.50 «Физкультура ва спорт». Тележурнал. 12.20 Жаҳон халқларининг куйлари. 13.00 «Қил устида». Бадиий фильм. 2-серия 14.25 Тошкент давлат консерваторияси опера студияси хорининг концерти. 14.45 «Киноэкран янгиликлари». Реклама. 18.00 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун программа. 18.05 «Ўрмондаги саргузашт». Мультфильм. 18.15 «Светофор». Қорақалпоғистон АССР ва Сурхондарё области командалари қатнашадилар. (ўзб.). **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Семург—бахт қуши». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильм премьераси. **Узбек тилида:** 19.45 «Бугун медицина ходимлари куни». 20.15 Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли Қашқадарё область музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телевизион миниатюралар театри. 22.00 «Комсомол—ёшлигим менинг». «Каштaлар». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми. 22.25 Илғорлар минбари. 22.40 «Қилич ва қалқон» Бадиий фильм. 4-серия. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Фрунзе кўрсатади. 17.50 Спорт ҳақида ҳикоялар. 18.20 Реклама ва эълонлар. 18.30 «Новинки» киноклуби. 19.25 Бугун медицина ходимлари куни. 19.55 Медицина ходимлари учун концерт. **Қирғиз тилида:** 20.25 «Пионер ёзи». 20.55 «Дўстлик байрами». Тожикистонда Қирғизистон ССР маданияти кунлари. 21.55 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 11|IV да **Парвона**, 12|VI да **Бой ила хизматчи**, 13|VI да **Уйланиш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ. (19.30).

КИНО

11 ИЮНДА

Тошқин (3—4 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ (18.30, 20.45), «ЧАЙКА» (18, 20.45), «НУКУС» (17, 20), «МОСКВА» (18.30, 21).

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «ЎЗБЕКИСТОН» (18, 21), НАВОИЙ номли (17, 20), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (18.30, 21), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Бўлинган осмон — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт ва тоқ соатларда).

Икки тоғ орасидаги воқеа — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (18.30, 20).

Бургут парвози — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Оқ тиш; Оқ тишнинг қайтиши — «ЯНГИОБОД» (17, 20).

12 ИЮНДА

Тошқин (3—4 сериялари) — САНЪАТ САРОЙИ (12, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ЧАЙКА» (13.45), «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21), «НУКУС» (11, 14, 17, 20).

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «ЎЗБЕКИСТОН» (12, 15, 18, 21), НАВОИЙ номли (11, 14, 17, 20), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Бўлинган осмон — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (жуфт соатларда). «ДРУЖБА» (жуфт ва тоқ соатларда).

Икки тоғ орасидаги воқеа — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 14.30, 18.30, 20).

Бургут парвози — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Оқ тиш; Оқ тишнинг қайтиши — «ЯНГИОБОД» (11, 14, 17, 20).

ТЕЛЕВИЗОР

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А («ВОСТОК») ПРОГРАММАСИ.

11 ИЮНЬ — ЖУМА

18.30 Москва ва москваликлар. 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.30 Михайловскдаги X Бутуниттифоқ Пушкин шеъриятининг байрами. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театри коллективининг Москва корхоналари илғорлари билан учрашуви. 00.30 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

11 ИЮНЬ — ЖУМА

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». (ўзб.). **Рус тилида:** 18.55 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!», «Янгийўлликлар ташаббуси асосида», 19.15 «Ахборот» информацион программаси, 19.30 «Сиёсий ва иқтисодий маориф шохобчаларида ўқув йилининг якунларига доир», **Узбек тилида:** 19.50 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт, 20.30 «Ахборот» информацион программаси, 20.50 Мухтор Ашрафий. Ижодий портрет, 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси, 22.30 «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустриал асосга кўчирайлик», «Ўзбекистон чорвадори» программасининг махсус сони, 22.55 «Синган тақа», Бадиий фильм, 00.10 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

11 ИЮНЬ — ЖУМА

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. «Петя ва бўри» (рус.). **Узбек тилида:** 19.30 Абитуриентлар учун. Физика. 20.30 Тошкент янгиликлари. 20.45 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Қишлоқда турмуш ва маданият». 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш» (рус.).

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

11, 12, 13 ИЮНЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

ФАРҒОНА САНЪАТКОРЛАРИ ИШТИРОКИДА

Катта концерт

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
МУРОДЖОН АҲМЕДОВ

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ

Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ЕРҚИНОЙ ҲАТАМОВА

Солистлар: Исроилжон **УСМОНОВ**, Уринбой **ОРТИҚОВ**, Райимжон **ХОЛБЕКОВ;**

Ҳажвия ва кулги устаси **ЗАЙНОБИДДИН ЮСУПОВ** ва бошқалар.

Билетлар сотилмоқда.

«ҚРИМ—218» ТЕЛЕВИЗОРИ

СИМФЕРОПОЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯНГИ МОДЕЛЛИ «ҚРИМ-218» ТЕЛЕВИЗОРИ ҲАР ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

ЭКРАН КАТТАЛИГИ ДИАГОНАЛИ БЎЙИЧА 61 САНТИМЕТРЛИ БУ ТЕЛЕВИЗОР ЗАМОНАВИЙ БЕЗАТИЛГАН БЎЛИБ, АНИҚ ТАСВИРНИ ГАРАНТИЯЛАЙДИ.

МАХСУС ҚУРИЛМА КИНЕСКОПНИНГ УЗОҚ МУДДАТ БУЗИЛМАЙ ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

«ҚРИМ-218» ТЕЛЕВИЗОРИНИНГ БАҲОСИ — 386 СЎМ.

ЦКРО «ОРБИТА».

Тошкент шаҳар, ижроия комитети Бош савдо бошқармасининг

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ЯШОВЧИ, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16—24 ЁШЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия берилади.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР — ЯНГИ МАГАЗИНЛАРГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ВА УЛАРГА ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИГА КИРИБ ЎҚИШ УЧУН ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Чилонзор» массиви, 11-квартал, 2-уй, (29, 32, 33, 50, 54, 70, 71-автобуслар, 6, 11, 12-троллейбусларнинг «Шуҳрат мактаб-магазини» бекати).

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ
16 ИЮНЬ СОАТ 15.00ДАН БОШЛАБ

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ УТКАЗАДИ

ТЕХНИКУМДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР, ЛАБОРАТОРИЯЛАР ВА КАБИНЕТЛАР БИЛАН ТАНИШИШНИ ИСТАГАНЛАРНИНГ ҲАММАСИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Бабушкин кўчаси, 4-уй (4-автобуснинг «Сўнгги», 17-троллейбуснинг «Электрокабельная кўчаси» бекатлари).

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ. АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
18 ИЮНЬ СОАТ 16.00 ДАН БОШЛАБ

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ УТКАЗАДИ

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 18-кечки ишчи-ёшлар мактаби томонидан **Бегалиев Маматкарим** номига берилган 245426 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов районидаги 22-ўрта мактаб томонидан **Муҳаббат Рустамова Исломовна** номига берилган 611495 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 179-ўрта мактаб томонидан **Муҳамедова Париза** номига берилган 004798 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет.

11 ИЮНЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р—01436.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр В—4014.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими —33-81-42.